Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

# O`zbekistonda sog`liqni saqlash
# Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz • 2014 йил 20 июнь • № 24 (993)

*Диққат: янги вакцина*

## БОЛА САЛОМАТЛИГИНИ ҲИМОЯЛАШ

### Ўзбекистон сиёсатининг устувор йўналиши



**2014 йилнинг 16 июнидан бошланган миллий эмлаш тақвимига киритилган янги – ротарикс вакцинаси давлат бюджети ҳисобидан бепул амалга оширилаётганлиги билан аҳамиятлидир.**



(Давоми 2-бетда).

*Анжуман*

## ПРОФИЛАКТИК ТИББИЁТ: БУГУН ВА ЭРТАГА



**Жорий йилнинг 13-14 июнь кунлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Андижон Давлат тиббиёт институти томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 февралдаги 2124-сонли «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида «Профилактик тиббиёт: бугун ва эртага» республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.**

Анжуманни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Сайдмурод Сайдалиев кириш сўзи билан очиб, иштирокчиларга Соғлиқни сақлаш вазирининг табриги ҳамда мамлакатимиз тиббиёт тизимидаги амалий фаолиятларга билдирилган эътирофли фикрларни ўқиб эшиттирди.

Сўнгра Андижон Давлат тиббиёт институти ректори, профессор Алишер Шодмонов сўз олиб, анжуманда танлаб олинган мавзу куннинг долзарб масалаларидан бири эканлигини таъкидлаб, соғлиқни сақлаш тизимида босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳот жараёнлари ҳамда таълим соҳасидаги ижобий ишларга алоҳида урғу қаратди.

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Амалга ошираётган ислоҳотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш – ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир» номли маърузасида халқимиз саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш ва самарасини ошириш, профилактика ишларини кучайтириш бўйича амалдаги ва келгусидаги фаолиятларга алоҳида тўхталиб ўтган эди. Жумладан, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсияларини инобатга олган ҳолда, ҳомиладор аёллар ва гўдакларнинг ўз вақтида ҳамда сифатли овқатланиши, улар учун махсус поливитаминлар, зарур



(Давоми 2-бетда).

### *Диққат: янги вакцина*

# БОЛА САЛОМАТЛИГИНИ ҲИМОЯЛАШ

### *Ўзбекистон сиёсатининг устувор йўналиши*

***Жорий йилнинг 16 июнидан бошлаб мамлакатимизнинг барча ҳудудларида икки-уч ойлик чақалоқларни янги ротарикс вакцинаси билан бепул эмлаш жараёнлари бошланди. Ўткир юқумли ичак касалликларининг олдини олиш мақсадида жорий этилган ушбу вакцина 2014 йилнинг 5 май куни ЮНИСЕФ кўмагида Ўзбекистонга олиб келинди.***

Шу муносабат билан 16 июнь куни пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан матбуот анжумани ўтказилди. Унда Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари, Республика Бош давлат санитария врачи Саидмурод Сайдалиев, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари вазифасини бажарувчи Шаҳин Гусеинов ҳамда ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Роберт Фудерич, соғлиқни сақлаш тизими мутасаддилари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Маълумки, ўткир юқумли ичак касалликларининг олдини олиш тиббиёт соҳасининг доимий эътибор қаратиладиган муҳим йўналишидир. Шу боис юртимизда миллий эмлаш тақвими асосида 10 та юқумли касалликка қарши вакцина олиш тадбирлари ўтказилмоқда. Эндиликда улар сафига ротарикс вакцинаси қўшилди. Яъни боланинг 2-3 ойлигида юқумли ичак касалликларига қарши эмлаш киритилди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, сайёрамизда ҳар йили икки миллиондан кўпроқ инсон ротавирус инфекцияси билан хасталаниб шифохоналарга тушади. Улардан қарийб беш юз минг нафари ушбу ўткир юқумли касаллик туфайли оламдан кўз юмади.

Ушбу инфекция, айниқса, ёш болалар ўртасида кўпроқ қайд этилиши ва саломатлигига жиддий таҳдид туғдириши билан характерлидир. Шу боис жаҳон миқёсида ушбу муаммога қарши курашнинг самарали ечими сифатида бир қатор янги вакциналар ишлаб чиқилган ва улардан тиббиётда самарали фойдаланилмоқда. Тадбирда сўз олган мутасадди раҳбарлар ва бошқалар инсон манфаатларини муҳофазалаш, аҳоли соғлом ва узоқ умр кечириши учун қулай шароит яратиш, оилада соғлом фарзанд туғилиши ва камолга етишини таъминлаш Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишига айланганини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатимизда санитария-эпидемиология ҳолатни барқарор сақлаш ва юқумли касалликларга қарши курашнинг замонавий тизими яратилган. Миллий эмлаш тақвимига мувофиқ ўн саккиз ёшгача бўлган болалар ўнта касалликка қарши эмланмоқда. Бундай кенг кўламли чора-тадбирлар натижасида илгарилари болалар саломатлигига жиддий таҳдид туғдирган кўплаб касалликларнинг олдини олиш, эпидемиологик барқарорликни таъминлашга эришилмоқда. Миллий эмлаш тақвимига киритилган иммунопрофилактика тадбирларига кетадиган маблағлар давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилаётир.

“Соғлом бола йили” Давлат дастурига мувофиқ, бу борадаги ишлар кўлами янада кенгаймоқда, хусусан, янги ротавирус вакцинаси жорий этилиб, эмлаш ишлари бошлаб юборилди.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг санитария-эпидемиология назорати бош бошқармасидан маълум қилишларича, янги вакцинани амалиётга жорий этишга жиддий тайёргарлик кўрилди. Саккиз мингдан зиёд ўрта тиббиёт ходими эмлаш ишларини амалга ошириш бўйича махсус тайёргарликдан ўтди. Қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларда фаолият юритаётган умумий амалиёт врачлари ва патронаж ҳамширалар иштирокида махсус ўқув-услубий машғулотлар ўтказилди. Жойларда қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникалар базасида 3800 эмлаш пунктлари ташкил этилди. Жорий йилнинг ўзида қарийб уч юз саксон минг болани ротавирус инфекциясига қарши эмлаш билан қамраб олиш режалаштирилган.






– Ротавирус инфекцияси маиший жиҳозлар, уй-рўзғор буюмлари, озиқ-овқат маҳсулотлари орқали юқади, – **дейди Соғлиқни сақлаш вазирлиги санитария-эпидемиология назорати бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Дилором Турсунова.** – Касаллик вируси асосан ошқозон-ичак йўлида тарқалади, овқат ҳазм қилиш ферментларини ишдан чиқаради. Бунинг оқибатида тана ҳарорати кўтарилиб, кўнгил айнайди, ич кетиши кузатилади. Бу жараён болаларда анча оғир кечиши, организм бир кеча-кундузда бир литрдан кўпроқ суюқлик йўқотиши мумкин. Болаларни ўз вақтида эмлаш орқали бундай муаммоларнинг олдини олиш мумкин.

Эмлаш ишларини амалга оширишда фойдаланиладиган, жаҳон тиббиёти амалиётида кенг қўлланилаётган энг самарали эмлаш воситалари мамлакатимизга олиб келиниб, тегишли тартибда тиббий-лаборатория синовларидан ўтказилди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан мувофиқлик сертификати билан кафолатланди ва совуқлик занжири тизимига риоя этилган ҳолда жойлардаги эмлаш пунктларига етказиб берилди. Аҳолининг хабардорлик даражасини ошириш мақсадида хонадонларда, маҳаллаларда тушунтириш ишлари амалга оширилди.

Тадбир иштирокчилари эмлаш ишларига кўрилган тайёргарлик ва бу жараённинг бориши билан танишиш мақсадида пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги 46-оилавий поликлиникада бўлди.

– Бугун поликлиникамизга 12 нафар 2 ойлик чақалоқни эмлаш учун ота-оналари олиб келишган, – **дейди бош шифокор Дилфуза Ибрагимова.** – Уларни эмлаш учун ҳамшираларимиз тегишли тартибда қайта тайёрланди. Алоҳида хона қилиб қўйдик. Турли плакатлар, қўлланмалар тарқатдик. Ота-оналар хурсанд. Чақалоқлар 3 ойлик бўлганда яна бир марта ротарикс вакцинаси билан эмланади.

**Бундай хайрли ишлар болалар саломатлигини асраш, ўткир юқумли касалликларга қарши кураш ишлари самарадорлигини ошириш, соғлом ва баркамол авлодни камолга етказишда яна бир муҳим қадам бўлиб хизмат қилади.**

**Б. ХИДИРОВА, Э. ЭГАМҚУЛОВ.**
**Суратлар муаллифи А. САМАТХОДЖАЕВ.**

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

### *Анжуман*

# ПРОФИЛАКТИК ТИББИЁТ: БУГУН ВА ЭРТАГА

микроэлементлар билан бойитилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, болаларни доимий тиббий кўрикдан ўтказиш, турли касалликлардан асрабавайлаш каби тадбирларнинг самарасини янада ошириш лозимлиги ҳам қайд этилди.

«Касалликни даволашдан кўра, унинг олдини олган афзал», деган олтин қоида жаҳон тиббиёт илми тарихида асрлар давомида ўз исботини топиб келмоқда. Мамлакатимизда ўртача умр кўрсаткичи йилдан-йилга ортиб бораётгани тиббиёт профилактикаси самарали йўлга қўйилганидан дарак беради.

Жорий йил мамлакатимизда Соғлом бола йили деб номланиб, Давлат дастури қабул қилинди. Мазкур дастур мақсад ва вазифаларининг энг устувор йўналиши – Ўзбекистонимизни жаҳонда ривожланган демократик давлатлар қаторига олиб чиқиш, жаҳон миқёсида муносиб обрў топиш, шунингдек, ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом, ҳеч кимдан кам бўлмаган, Ватан, юрт тақдири учун масъулиятни ўз зиммасига оладиган, халқимиз интилаётган буюк келажакни барпо этишга қодир бўлган баркамол авлодни тарбиялашдир.

Дарҳақиқат, профилактик тиббиёт – касалликларнинг олдини олишга қаратилган тадбир ҳисобланиб, аҳоли ўртасида режали профилактик кўрувларни ўтказиб туриш ҳар қандай касалликларнинг олдини олиш ва аниқлаш мазкур тадбир сирасига киради. Бинобарин, яшашнинг гигиеник шароитини яхшилаш, инфекцион эпидемик ҳолат ва хавфли омилларга жиддий эътибор қаратиш инсон саломатлигининг гаровидир. Профилактик тадбирларнинг юксак даражада олиб борилиши ва давомийлиги мамлакат аҳолиси саломатлигига ижобий таъсир кўрсатади.

– Андижон Давлат тиббиёт институти олимлари МДҲда биринчилар қаторида тиббиёт профилактикасига йўл очдилар. Институт олимлари томонидан халқаро стандартлаштирилган усул ва ягона режа асосида кенг масштабли популяцион-профилактик изланишлар олиб борилмоқда. Институтимизда тиббиёт профилактикаси соҳасида халқаро миқёсда кўзга кўринган етук мутахассислар фаолият кўрсатмоқда. Бу даргоҳда профилактик кардиология бўйича илмий мактаб очилиб, республикага шу соҳада мутахассислар тайёрлашда фаол иш олиб бормоқда. Ушбу мактаб фаолиятида соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинлар фаолиятини кенг миқёсда яхшилаш, соғлом авлод шаклланишини таъминлаш, аҳоли соғлигини сақлаш тизимини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш масаласига эътибор қаратилмоқда, – **дейди Андижон Давлат тиббиёт институти ректори, профессор Алишер Шодмонов.**

Профилактик тиббиёт бугунги кунда энг долзарб йўналиш бўлиб, инсон саломатлигининг мустаҳкам ҳимоячисига айланиб, юрак қон-томир ва сурункали ноинфекцион касалликларнинг олдини олиш, турли хасталикларнинг хавфли омилларини ўрганиш ва уларни бартараф этишга хизмат қилмоқда, – **дейди Навоий вилояти ОИТС маркази бош врачининг ўринбосари Эркин Рустамов.** – Биз мутахассис-шифокорлар бу соҳада инсон саломатлиги муҳофазаси учун зарур тиббий чора-тадбирларни кўриб, кўп тармоқли профилактика ишларини замонавий технологиялар асосида самарали йўлга қўйишга жиддий эътибор қаратишимиз керак.

Айтиш муҳимки, анжумандан кўзланган мақсад – профилактика бўйича етук мутахассислар тайёрлаш, тиббиётдаги янги технологияларни ўрганиш ҳамда маълумотлар йиғиш, соҳа мутахассислари билан савол-жавоб ўтказиш ва тиббиёт янгиликлари билан танишишдан иборат бўлди. Тадбирда юртимиз мутахассислари билан бирга хорижий давлатлардан келган соҳа вакиллари долзарб мавзуларда маъруза қилдилар. Тинглаган маърузалар асосида ўзаро тажриба алмашиш, тиббиётнинг бугуни ва эртанги куни вазифаларини аниқлаш, профилактиканинг самарали чора-тадбирларини ишлаб чиқиш бўйича йўналишларни белгилаш орқали аҳоли саломатлигини юксак даражада муҳофазалаш масалаларига эътибор қаратилди.

Мазкур анжуманда иштирок этадиган соҳа мутахассисларининг ноинфекцион касалликлар профилактикаси ва донозологик диагностика борасидаги билим ва малакалари янада бойиди десак, янглишмаган бўламиз.

**Анжуман доирасида гуруҳларга бўлинган ҳолда секция ишлари олиб борилди ва муҳим мавзулар бўйича маърузалар қилинди. Шунингдек, савол-жавоб, муҳокама, таклиф ва тавсиялар ўртага ташланди.**

**Ибодат СОАТОВА.**
**Муаллиф олган суратлар.**

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

# СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ АСОСЛАРИ:

## ТУШУНЧАЛАР, ТАРҒИБОТ, ЖИСМОНИЙ ФАОЛЛИК ВА САЛОМАТЛИК

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Инсоннинг соғлиғи кўп жиҳатдан унинг ўзига боғлиқ. Бунинг учун у ўз ҳаётини оқилона йўлга қўйиши, ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун соғлом ҳаёт тарзи ва турмуш маданияти талабларига амал қилиб яшаши лозим", деган фикрлари замирида соғлом турмуш тарзи орқали саломатликни мустаҳкамлашнинг туб моҳияти ётганлигини ҳеч биримиз инкор эта олмаймиз. Чунки, жамиятимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган устувор вазифадир. Шу боис, республикамизда жисмоний жиҳатдан етук, соғлом авлодни тарбиялаш борасидаги туб ислоҳотлар босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда. Саломатликни асраш ва унга амал қилиш эса ҳар бир фуқаронинг инсонийлик бурчидир. Айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш муҳим аҳамиятга эга. Президентимизнинг шу йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2124-сонли Қарорининг қабул қилиниши ҳам ана шу эзгу мақсад йўлида ташланган яна бир муҳим қадам бўлди.***



**Ёшлар орасида соғлом турмуш тарзи мезонларини шакллантириш**

Саломатлик ҳар бир инсон учун бебаҳо бойлик сифатида жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Чунки, инсон мустаҳкам саломатликка эга бўлгандагина ўзини бахтли ҳис этиши мумкин. Бунинг учун саломатликка эришиш йўлини, унинг сир-асрорларини чуқур билиши ва тўлақонли соғлом турмуш тарзига амал қилиб яшаши лозим. Демак, соғлом ҳаёт кечириш учун аввало, инсон ўзини бунга тайёрлаши, кундалик ҳаёт тарзини тўғри ташкил эта олиши мақсадга мувофиқ. Хўш, кун тартибининг ўзи нима? У қандай ташкил қилинади?

Кун тартиби – инсон томонидан ташкил этиладиган турли фаолият, яъни меҳнат қилиш, дам олиш, овқатланиш, фаол ҳаракатда бўлиш, спорт билан шуғулланиш каби ҳаракатларнинг маълум вақтларда тартиб билан бажарилишидир. Табиийки, кун тартиби ҳамма учун бир хил бўла олмайди. У кишининг ёши, касби, соғлиги, иш қобилияти ва турмуш шароитига қараб белгиланади. Бироқ барчанинг бажариши зарур бўлган умумий талаблар борки, буларга қуйидагилар киради: кун тартибида ақлий ҳамда жисмоний меҳнатнинг мутаносиблигига эришиш, меҳнатнинг ўз вақтида дам олиш билан алмаштирилиб туриши, вақтида овқатланиш, барвақт уйқуга ётиш ва ўриндан туришга одатланиш кабилардир. Бошқачароқ айтганда, кун тартиби инсоннинг бутун умри давомида амал қилиши талаб этиладиган мураккаб жараёндир. Одамнинг соғлом ёки носоғлом турмуш тарзига эга бўлиши кун тартибининг тўғри ёки нотўғри уюштирилишига ҳам боғлиқ.

Тўғри, оқилона уюштирилган кун тартиби организмнинг инсонга ҳар томонлама тўғри хизмат қилиши, ироданинг мустаҳкамланиши, меҳнат унумдорлигининг ошиши, ишчанлик қобилиятининг узоқ вақт сақланиши, касалланишнинг олди олинишига ижобий таъсир кўрсатади.

**Кун тартибини тузишда қуйидаги қоидаларга амал қилиш тавсия қилинади:**

*- турли фаолиятни ташкил этиш вақти, уларнинг энг маъқул давомийлиги, бир-бири билан навбатлашуви ва вақтини аниқлаш;*

*- дам олиш вақтини иложи борича очиқ ҳавода ўтказиш;*

*- ўз вақтида сифатли овқатланиш;*

*- тўлақонли уйқу, гигиеник маданиятнинг шаклланиши.*

Бироқ ҳар бир ўқувчи кун тартибига амал қилса, уйқу, меҳнат, овқатланиш, телевизор кўриш, спорт билан шуғулланиш, дарс тайёрлаш, шунингдек, ўй ишларини бажаришга ёрдамлашиш учун ҳам вақт топа олади. Фақатгина кундалик фаолиятни тўғри режалаштира олиши лозим. Шу билан бирга, соғлом турмуш тарзига эришишнинг яна бир йўли – бу руҳий хотиржамликдир. Демак, руҳий осойишталикнинг асосий омилларидан бири эса юқорида тилга олинганидек кун тартибига қатъий амал қилиш ҳисобланади. Атроф-муҳитни асраш ва ундан оқилона фойдаланиш, экологик барқарорликни таъминлаш саломатлигимизнинг бош омилидир. Атроф-муҳит ҳақида сўз юритганимизда, унинг мусаффолиги инсон саломатлигига қанчалик муҳим эканлигини баъзида англаб етмаймиз. Она табиатни муҳофазалаш, сув ва мусаффо ҳаводан фойдаланиш организм, айниқса, эндигина ўсиб келаётган авлод учун ғоятда муҳимдир. Ушбу мезон ҳам соғлом турмуш тарзининг бир асоси саналади.

**СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ** — *бу инсоннинг ҳаёти ва саломатлиги хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилувчи кўникмаларга, ҳаётий фаолиятини йўлга қўйиши ҳамда саломатлиги юқори даражада бўлишига эришишни таъминловчи, кун тартибига риоя қилиш, фаол жисмоний ҳаракат асосида организмни чиниқтириш, спорт билан шуғулланиш, тўла ва сифатли овқатланишда гигиеник қоидаларига риоя қилиш, мулоқот ва экологик маданиятга эришиш, умуминсоний ва миллий қадриятлар асосида маънавий тарбия олиш, зарарли одатлардан ўзини тута билиш ва ҳоказо ҳолатларнинг мавжудлиги билан тавсифланади.*

Ёшларни соғлом оила қуришга ўргатиш ва мустақил ҳаётга тайёрлаш масалалари ҳам давлатимиз, қолаверса ҳар бир ота-она олдидаги вазифалардан биридир. Айниқса, ўсмир ёшлар балоғатга етиш даврида улар организмида кечадиган ўзига хос психологик ва физиологик ўзгаришлар ҳақида зарур тушунча ва билимларга эга бўлиш мақсадга мувофиқ. Таъкидлаш жоизки, йигит-қизлар деярли 20 ёшдан кейингина анатомик ва физиологик жиҳатдан бутунлай камолотга етади. Олимларнинг маълумотларига кўра, қизлар 20-22 ёшда, йигитлар 23-25 ёшда турмуш қургани маъқул.

Соғлом турмуш тарзини издан чиқарадиган яна бир ҳолат – бу ирсий касалликларга сабаб бўладиган урф-одатларимиз, яъни қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳдир. Бугунги кунда ушбу масалага жиддий эътибор қаратилган. Миллий қонунчилик асослари такомиллаштирилмоқда. Жумладан, "Оила кодекси"нинг 17-моддаси "Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш" деб номланган. Бу қоидани киритишдан мақсад, биринчидан, янги ёш оилага келажакда туғиладиган фарзандларнинг соғлом бўлишини таъминлаш бўлса, иккинчидан, никоҳга кирувчиларга тиббий ирсий ҳамда оила саломатлигини сақлаш масалаларида тўғри йўл кўрсатишдир.

**Фаол ҳаракат ва жисмоний қувватни ошириш**

Инсон узоқ ва тинч ҳаёт кечириши учун маънан соғлом, тетик ва бақувват бўлиши, ёшлиги, куч-қуввати ҳамда ишчанлик қобилиятини сақлашга ҳаракат қилиши лозим. Бунга эришишнинг асосий омилларидан бири бу – жисмоний ҳаракат ҳисобланади. Шу маънода, жамиятимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш мақсадида миллий қонунчилик асосларимиз ҳам ривожланмоқда. Чунончи, Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари ушбу мақсадларни амалга оширишда хизмат қилмоқда. Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш ўсиб келаётган авлод баркамол вояга етиши, шу билан бирга бўш вақтдан унумли фойдаланиш имконини беради. Демак, ўз организмини чиниқтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, соғлиқни мустаҳкамлаш асосида узоқ умр кўришни истаган ҳар бир киши доимо жисмоний ҳаракатларни ташкил этиб туриши, шу билан бирга кундалик фаолиятини маълум тартиб асосида олиб бориши мақсадга мувофиқ.

**Соғлом турмуш тарзини ташкил этишда қуйидагиларни эътиборга олиш зарур:**

*– фаол жисмоний ҳаракат қилиш, чиниқиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш;*

*– кун тартибини оқилона режалаштириш ва унга доимо амал қилиш;*

*– жисмонан ва руҳан толиқишга йўл қўймаслик;*

*– ақлий ва жисмоний меҳнатни гигиеник талаблар асосида тўғри режалаштириш;*

*– тўғри ва сифатли овқатланиш;*

*– шахсий ва умумий гигиена талабларига риоя қилиш;*

*– атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик маданиятга эришиш;*

*– юқумли касалликлар, жароҳатланиш ва бахтсиз ҳодисалар рўй беришининг олдини олиш;*

*– психогигиена талаблари (ҳаддан ташқари асабийлашиш ва ҳаяжонланишнинг олдини олиш)га амал қилиш;*

*– зарарли одатларга берилмаслик (тамаки маҳсулотларини истеъмол қилмаслик, ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка йўл қўймаслик ва ҳ.к.).*

Демак, соғлом турмуш кечириш учун, албатта, организмни турли табиий муҳит шароитларига чиниқтириш лозим. Турмушда шундай ҳодисалар кузатиладики, баъзи одамлар бир зумда касал бўлиб қоладилар. Саломатлик одамнинг руҳий сокинлиги ва ташқи муҳитнинг зарарли таъсирларига қарши тура олиш қобилиятидир. Организмни чиниқтириш, қулай жисмоний машқларни бажариш, совуқ сувда чўмилиш орқали ташқи муҳитнинг зарарли таъсирларига нисбатан организмнинг қаршилигини ошириш омиллари ҳисобланади. Чиниқиш – организмни сув, қуёш ва ҳаво таъсирида секин-аста мослаштира бориш механизми ҳамдир.

**Шахсий гигиена ва тўғри овқатланишнинг аҳамияти, ёшларни зарарли одатлардан ҳимоялаш тамойиллари**

Саломатликнинг гигиеник асослари инсоннинг жисмонан соғлом бўлиши, турли хавфли касалликлардан ҳимояланишида мустаҳкам ўрин тутиши, энг аввало, ҳар бир киши шахсий гигиена қоидаларига қатъий амал қилиб яшаши билан белгиланса, иккинчи томондан, инсоннинг истиқомат қилиши учун зарур бўлган гигиеник яшаш шароитини таъминлашни назарда тутувчи жамоатчилик гигиенаси талабларига амал қилиш билан ҳам узвий боғланган.

Шахсий ва жамоатчилик гигиена қоидаларига риоя қилмаслик эса турли юқумли касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Шахсий гигиена қоидалари деганда, ҳар бир шахс томонидан бадан ва тана аъзолари озодалигини муттасил равишда таъминлаш билан боғлиқ гигиеник муолажалар мажмуаси тушунилади.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, рационал овқатланиш инсоннинг ҳаёти ва фаолияти учун зарур бўлган витамин, микроэлементларни қамраб олган, таркиби ҳамда миқдори жиҳатдан организмнинг имкониятларига мос келадиган овқат билан озиқланишдир. Кундалик ҳаётимизда амал қилишимиз лозим бўлган муҳим қоидалардан бири – овқатланиш тартибидир.

Тиббиёт амалиётида спиртли ичимликларга, сигарета чекишга, наркотик ва токсик моддаларга ружу қуйиш – бу зарарли одатлар тоифасига киради. Бу каби салбий ҳолатларга нисбатан тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормаслик аҳоли маълум қатлами орасида носоғлом муҳитни келтириб чиқариши табиий.

**Соғлом турмуш тарзини шакллантиришда оила, мактаб ва маҳалланинг ҳамкорлиги**

Соғлом авлодни тарбиялашда ҳеч бир муҳит оила билан тенглаша олмайди. Аввало, атроф-муҳит, урф-одатларда тан олинган меъёрлар ва тартиб-қоидалар ўсмирнинг шахс сифатида шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади. Бироқ, бу жараёнда нафақат оила, балки маҳалла, таълим даргоҳларининг ҳам ўзаро ҳамкорлиги муҳим. Чунки, ўсмир оиласида, қолаверса туғилиб ўсган жойида ўсиб-улғаяди, ривожланади, ўз ҳис-туйғулари ва хатти-ҳаракатларини назорат қилишни ўрганади. Бу ўз навбатида унинг дунёқараши кенгайишига ҳам таъсир кўрсатади. Бугунги тезкор давр эса ҳаммамиздан ҳушёр, ҳам руҳан, ҳам жисмонан соғлом бўлишимизни тақозо этмоқда. Албатта, соғлом турмуш тарзи асосларини тўлиқ эгаллаб, унга амал қиладиган инсон борки, ҳар қандай муаммони енгишга, бақувват ва жисмонан фаол бўлишга куч топа олади.

**Соғлом турмуш тарзини кечиришга қуйидаги омиллар ёрдам беради:**

*– меҳнатсеварлик билан бирга яхшиланишга ишонч;*

*– ҳажвия ва ҳазилларга мойиллик;*

*– ҳар бир ҳолатга тез мослаша олиш;*

*– яхшиликни узоқ вақт эсдан чиқармаслик ва ёмон нарсаларни тез унутиш қобилияти;*

*– енгил (ёқимли) чарчашга тоза ҳавода доимий жисмоний меҳнат билан шуғулланиш;*

*– хурсандчилик – соғлиқнинг энг яхши дўсти, ҳар сонияда, ҳар соатда, кун давомида яхши кайфиятда бўлишни ўрганиш лозим.*

**Инобат АҲМЕДОВА,
тиббиёт фанлари доктори.**




# ТИББИЙ ТЕХНИКАЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ

## самарадорлик мезони

***Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва "Саломатлик-3" лойиҳаси доирасидаги фаолиятлар изчиллиги янада такомиллаштирилиб, шу кунларда бу борадаги ишлар кўлами янада кенгайиб бормоқда. Айниқса, лойиҳа томонидан келтирилаётган ноёб аппарат ва тиббий асбоб-ускуналарнинг мавжудлиги аҳолига янада қулайлик яратмоқда. Жумладан, лойиҳа доирасида мамлакатимиздаги туман тиббиёт бирлашмаларидан 110 таси AGFA CR 30-х компьютер-рентгенография ускунаси билан жиҳозланмоқда.***



Ушбу, яъни дигитайзер-AGFA CR 30-х аппаратида ишлаш мутахассисдан аввало билим, тажриба ва кўникма талаб этади. Ушбу аппаратда асосан, врач-рентгенолог ҳамда лаборант-рентгенолог фаолият юритади. Жорий йилнинг февраль ойида Республика шошилинч тез тиббий ёрдам илмий марказининг клиник визуализация усуллари бўйича ўқув марказида вилоятлар бош рентгенологлари ва Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг тиббий радиология кафедраси ўқитувчилари учун рентге-



нология ускуналари ва дигитайзерларни самарали ишлатиш бўйича ўқув семинари бўлиб ўтган эди. 2014 йилнинг июнь ойида Андижон вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази таркибидаги ўқув марказида Соғлиқни сақлаш вазирлиги, пойтахтимиздаги тиббий технологиялар ҳамда Қозоғистоннинг AGFA компаниялари мутахассислари томонидан Андижон, Наманган ва Фарғона вилояти туман тиббиёт бирлашмаларининг 100 нафарга яқин рентгенолог-врач ва лаборантлари учун ўқув семинари бўлиб ўтди.

**Хизмат сафари давомида ушбу ўқув марказида бўлиб, мутахассислар ҳамда тингловчилар билан суҳбатда бўлдик.**

**Абдужаббор НАСРИДДИНОВ,**
**Андижон вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бош рентгенологи:**

– Кейинги йилларда инсон саломатлигини муҳофаза қилиш борасида республика тиббиёт муассасаларига келтирилаётган сўнгги русумдаги ноёб аппаратлар касалликни тўғри ташхислаш, қолаверса, операция жараёнларини муваффақиятли амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда "Саломатлик-3" лойиҳасининг ҳамкорликдаги муваффақиятларидан бири туман тиббиёт бирлашмаларини энг сўнгги русумдаги аппаратлар ҳамда янги тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаши юқоридаги фикрларимизнинг ёрқин ифодасидир. Шу кунга қадар бир қанча тиббий аппаратуралар келтирилиб, айни кунда улардан унумли фойдаланилмоқда. 2014 йилнинг февраль ойида Республика шошилинч тез тиббий ёрдам илмий марказининг клиник визуализация усуллари бўйича ўқув марказида вилоятлар бош рентгенологлари билан бирга мен ҳам бу ускуна ва дигитайзерларни самарали ишлатиш бўйича ўқув семинарида иштирок этиб, уларнинг афзалликлари тўғрисида муҳим маълумотларга эга бўлдим. Айниқса, юқори сифатли тасвир ва унумдорликни таъминлайдиган, ту-



AGFA CR 30-X дигитайзер аппарати ва унинг жамланмаси.

шунарли ва самарали CR 30-X дан фойдаланиш, MUSICA – интеллектуал тасвирни кўриб чиқиш (процесслаштириш), эксплуатация учун кам харажат ёндашувини қўллаш, кўчирма ускуналарда эксплуатациянинг ихчамлиги ва мосламанинг тармоқда ишлаш хусусияти, унинг тинимсиз мураккаб тизимларга киришини таъминлаш ҳолатларини ўргандик. Эндиликда эса, туман тиббиёт бирлашмаларида фаолият юритаётган врач-рентгенолог ва лаборант-рентгенологларни ўқитиш жараёнлари бошлаб юборилди. Жорий йилнинг 9-17 июнига қадар Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятининг 100 нафарга яқин мутахассислари 3 кунлик ўқув курсида иштирок этиб, махсус сертификатга эга бўлишди. Ўқув семинарларини Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош рентгенологи Александр Ососков, тиббий технологиялар компанияси инженери Руслан Ахмадсагиров ва AGFA компаниясининг (Қозоғистон) техник хизмат бўйича раҳбари Денис Царевлар олиб боришди. Албатта, бундай ноёб ва нозик аппаратларда ишлаш мутахассисдан катта масъулият талаб қилади. Бунинг учун аппаратнинг техник хавфсизлиги, уни асраш ва бошқаришдаги ҳолатларини доимий назорат қилиб бориш зарур.

**Денис ЦАРЕВ,**
**AGFA компаниясининг техник хизмат бўйича раҳбари (Қозоғистон),**
**Руслан АХМАДСАГИРОВ,**
**Тиббий технологиялар компанияси инженери (Тошкент шаҳри):**

– CR 30-X дигитайзер аппарати асосан рентген жараёнида қўлланиладиган лаборатория системаси ҳисобланади. Ушбу дигитайзер аппарати принтер ҳамда 2 дона компьютер жамламасидан иборат бўлиб, касаллик ташҳисини тўғри аниқлаш ҳамда тезкор

**(Давоми 5-бетда).**




**Таъкидлаш муҳимки, республика тиббиёт муассасаларига энг сўнгги русумдаги ноёб тиббий аппаратлар ва асбоб-ускуналарнинг кириб келаётганлиги нафақат пойтахтимиз, балки юртимизнинг чекка ҳудудларидаги шифо масканларида ҳам мавжудлиги аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш билан бирга уларга ҳар томонлама қулайликлар яратмоқда. Дарҳақиқат, ана шундай ноёб аппаратларни асраб-авайлашимиз бугуннинг долзарб мавзусига айланмоқда. Шундай экан, республикамиз тиббиёт муассасалари мутасаддилари Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2010 йил 31 мартдаги “Тиббиёт асбоб-ускуналарининг техник ҳолати мониторингини ташкил қилиш тўғрисида”-ги 101-сонли буйруғи ижросини ўз вақтида таъминласалар, мақсадга мувофиқ бўлар эди.**

# ТИББИЙ ТЕХНИКАЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ

*самарадорлик мезони*

(Давоми. Боши 4-бетда).



таҳлил чиқариш имкониятига эга. Уни врач-рентгенолог ва лаборант-рентгенолог бошқариб боради. Аввало, лаборант-рентгенолог беморни махсус қоидаларга асосан жойлаштиргач, компьютерда бемор ҳолати намоён бўлади. Сўнгра дигитайзерга узатилади (дигитайзер ичида махсус кассета мавжуд, ундан ташқари принтер ичида плёнка бўлиб,



сифати юқори, чунки унда фосфорли пластина бор) ва принтер ичида жойлашган пленка чиқарилиб, компьютерда врач-рентгенолог томонидан беморнинг касаллик ташҳиси аниқланади ва компьютер хотирасида ҳам муҳрланиб қолади.

Демак, 9 кун давомида Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари туман тиббиёт бирлашмалари врач-рентгенологлари ва лаборантларига мазкур аппаратни ишлатиш жараёни, айниқса қандай ёқиш, техник хавфсизлиги, ундан тўғри фойдаланиш ва сақлаш қоидалари бўйича чуқур маълумотлар бериб ўтдик. Семинар жараёнида тингловчилар тўлиқ маълумот ва кўникмага эга бўлишлари учун ҳар бирларига махсус компьютерлар ажратилди. Семинарнинг охирги кунида тингловчилар тест синовларидан ўтиб, махсус сертификат олишга муваффақ бўлдилар. Июль ойининг охиригача республика вилоятларида ушбу ўқув семинарлари ниҳоясига етказилади. Умид қиламизки, ўқув семинари давомида амалий кўникмага эга бўлган барча мутахассислар ушбу ноёб аппаратдан унумли фойдаланиб, бу борадаги билим ва тажрибаларини ошириб бораверадилар.

**Солижон НУРМАТОВ,**
**Фарғона вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бош рентгенологи:**

– Республика соғлиқни сақлаш тизимига хорижий давлатлардан кириб келаётган ноёб аппаратлар касалликларни тўғри ташхислаб бериши, вақтни тежаши ҳамда иш самарадорлигини оширишда асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу ўқув семинарида вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли 15 та туман тиббиёт бирлашмасида фаолият юритаётган врач-рентгенолог ва лаборантлар 3 кунлик ўқув семинари давомида юқорида айтиб ўтилган CR 30-х аппаратидан қандай фойдаланиш, қайси жиҳатларга эътибор қаратиш каби кўникмаларга эга бўлдилар. Бу аппарат мутахассислар иш самарадорлигини ошириш билан бирга вақтни тежайди. Олдингидек пленка ювиш ёки реактивларни ишлатишга ҳожат қолмади. Давлатимиз ва вазирлигимиз томонидан инсон саломатлигини муҳофаза қилишда кенг имкониятлар яратилаётган экан, бу албатта аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш даражасини оширади. Бунинг учун ҳар бир шифокор ўз ишига виждонан ёндашган ҳолда ишламоғи лозим.

Келтирилган айрим тиббий асбоб-ускуналардан оқилона фойдаланиш учун тажрибали мутахассислар томонидан ҳам қисқа муддатли ўқув курслари олиб борилмоқда.

**Бекмурод ХОЛМУРОДОВ,**
**Фарғона вилояти Фурқат тумани тиббиёт бирлашмаси лаборант-рентгенологи:**

– Туман тиббиёт бирлашмамизга келаётган замонавий тиббий асбоб-ускуналарнинг мавжудлиги аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишда муҳим аҳамият касб этиши билан бирга мутахассислар меҳнатини енгиллаштириб, тўғри ташҳис қўйишда қўл келмоқда. Айниқса, бирлашмамизга келтирилган CR 30-х аппарати ўпка, жигар, кўкрак қафаси, бўғим, суяк чиқиши ва синишлари, бир қанча ички аъзоларни яққол кўрсатиб, касаллик ташҳисини тўғри аниқлаб бериш хусусиятига эга. Илгари рентген пленкаларини махсус суюқликка солиш ва қуритиш натижасида соғлигимизга зарар етди, вақтимиз ҳам кетарди. Бундан ташқари, реактивлар билан ишлаш ҳам кўп муаммолар туғдирган. Ушбу янги аппаратда бундай қийинчиликлар йўқ. Аввало, халқимиз саломатлигини ўйлаб кенг имкониятлар яратаётган ва шифокорлар меҳнатини жаҳон стандартларига мослаштираётган Президентимиз ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги, шунингдек "Саломатлик-3" лойиҳаси ташкилотчиларига ўз миннатдорлигимни билдириб қоламан.

**Адҳамжон СОТВОЛДИЕВ,**
**Наманган вилояти Чортоқ тумани тиббиёт бирлашмаси врач-рентгенологи:**

– XXI аср бежизга техника асри деб айтилмайди. Айни пайтда қайси бир тиббиёт муассасасида, яъни республикамизнинг етакчи клиникаларидан тортиб, чекка ҳудудларда фаолият юритаётган қишлоқ врачлик пунктларидаги замонавий ноёб аппаратуралар ҳамда янги технологияларни кўриб, юртимизда инсон саломатлиги ва унинг турмуш фаровонлиги давлат сиёсатининг устувор вазифасига айланганлигини англаймиз. Таъкидлаш муҳимки, анча йиллардан буён



Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда "Саломатлик-1, 2, 3" лойиҳалари бирламчи тиббиёт тизимини такомиллаштириш учун аҳоли орасида касалликларнинг олдини олиш, шифо масканларини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш ва мутахассислар малакасини доимий ошириб боришда хизмат қилиб келмоқда. Андижон вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази тасарруфидаги ўқув марказида ўтказилган 3 кунлик ўқув семинарида иштирок этиб, тажрибали мутахассислардан CR 30-х аппаратида ишлаш сирларини мукаммал ўрганишга ҳаракат қилдим. Айниқса, мазкур аппаратда махсус кассетанинг мавжудлиги, шу билан бирга пленканинг сифат жиҳатидан юқорилиги мени ҳайратга солди. Ундан кўп марта фойдаланса бўлар экан. Бундай асбоб-ускуналарнинг қадрига етиб, авайлаб асрашимиз ва ундан оқилона фойдаланишимиз зарур.

**Тўлқин ИКРОМОВ,**
**Андижон вилояти Шаҳрихон тумани тиббиёт бирлашмаси бош рентгенологи:**

– Рентгенология соҳасида ишлаш мутахассисдан чуқур билим, масъулият ва ҳушёрлик талаб этади. "Саломатлик-3" лойиҳаси томонидан иккита рентген ҳамда CR 30-х аппаратларининг туман тиббиёт бирлашмамизга тақдим этилганлиги аҳолига тўлақонли тиббий хизмат кўрсатиш ва мутахассислар ишини енгиллаштириш имкониятини беради. Уч кунлик ўқув семинари давомида CR 30-х аппаратини ишлатиш бўйича вилоятимиз туман тиббиёт бирлашмаларининг бош рентгенолог ва врач-рентгенологи ҳамда лаборант-



лари чуқур маълумотга эга бўлдилар. Аппарат жамланмасининг қулайлиги – жараён бир муддат ичида бажарилади. Юқорида таъкидланганидек, ушбу аппарат орқали тана аъзолари тасвирга олинади. Яна бир аҳамиятли томони текширувдан ўтган бемор ташхиси компьютер хотирасида сақланиб қолади. Бу албатта, кейинчалик бемор аҳволидаги динамик ўзгариш қай ҳолатда эканлигини кўрсата олади. Дарс давомида биз ушбу аппаратда ишлаш билан бирга унинг техник носозлиги бўйича доимий назорат олиб бориш ҳамда техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш муҳимлигини чуқур ўргандик. Келгуси фаолиятимизда ана шундай ноёб аппаратлардан бор билим ва тажрибамизга таянган ҳолда фойдаланишимиз лозим.

# СИНОВЛИ ДАҚИҚАЛАР ЯҚИН




***"Саломатлик-3" лойиҳаси доирасида барча тиббиёт олийгоҳлари қошидаги умумий амалиёт шифокорларини тайёрлаш ўқув марказида оилавий поликлиникаларда фаолият юритаётган врачлар 2013 йилнинг сентябрь ойидан шу кунга қадар 10 ойлик ўқув курсида таҳсил олдилар. Айни кунларда тингловчилар олган билим ва кўникмалари бўйича имтиҳонларга тайёргарлик кўрмоқдалар. Хизмат сафаримиз давомида Андижон Давлат тиббиёт институти врачлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш факультети қошидаги умумий амалиёт шифокорларини тайёрлаш кафедрасида 10 ойлик ўқув курсида бўлган тингловчиларнинг ўқиш жараёнида олган билим ва тажрибалари ҳамда имтиҳонларга тайёргарлиги тўғрисидаги фикрларини эътиборингизга ҳавола этмоқчимиз.***



**Гулчеҳра НАЗАРОВА, Андижон Давлат тиббиёт институти врачлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш факультети декани ва унинг қошидаги умумий амалиёт шифокорларини тайёрлаш кафедраси доценти:**

− Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда "Саломатлик-3" лойиҳаси ҳамкорлигидаги 10 ойлик ўқув курсининг йилдан-йилга нуфузи ошиб боряпти. Биргина мисол, ўқув курсини ("Саломатлик-1") бошлаган пайтимизда тингловчилар 14 нафар эди, бугунга келиб эса, бу рақам 150 нафар шифокорни ташкил этаяпти. Кафедрамизда 2013-2014 ўқув йили давомида умумий амалиёт шифокорини тайёрлаш бўйича Наманган, Фарғона, Андижон вилоятлари, Қўқон шаҳар тиббиёт муассасаларининг оилавий поликлиникаларида меҳнат қилаётган врачлар ҳам назарий, ҳам амалий билимларга эга бўлдилар. Дарс машғулотлари кафедрамизнинг тажрибали ўқитувчилари томонидан ўтказилди. Тингловчилар ўқиш давомида икки ҳафта назарий билим олган бўлсалар, икки ҳафта ўзлари фаолият юритаётган поликлиникаларда амалиёт ўтадилар. Дарслар давлатимизнинг соҳага оид қарор ва фармонлари, вазирликнинг буйруқлари ҳамда тиббиётнинг барча йўналишлари бўйича жаҳон стандартлари асосида олиб борилди. Мутахассислар ўқиш билан бирга аҳоли орасида кўп учраётган касалликлар бўйича лойиҳа иши олишиб, имтиҳон даврида лойиҳаларини ҳимоя қилишди. Айни кунларда синовли дақиқалар яқин. Тингловчиларимиз тест синовлари, беморга тўғри ташҳис қўйиш, даволаш бўйича оғзаки тарзда ҳамда амалий кўникмалар асосида имтиҳон топширадилар. Тест синовлари Андижон Давлат тиббиёт институтининг ахборот технологиялари марказида олиб борилади. Тингловчилар имтиҳонлар тугагач, умумий амалиёт шифокори мақомига эга бўлиб, бирламчи тизимда фаолиятларини давом эттирадилар. Улар эгаллаган билим ва кўникмаларини асосан аҳоли орасида профилактик ишлардан бошлаши керак. Чунки бирламчи тизимдаги асосий мақсад, касалликларнинг олдини олишга қаратилган бўлиб, ҚВП ва оилавий поликлиникаларда меҳнат қилаётган УАШ ва патронаж ҳамширалари оилада биргина бемор ҳолати эмас, балки барча оила аъзоларининг саломатлиги учун масъул бўладилар.



**Яйра УСМОНОВА, Андижон Давлат тиббиёт институти врачлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш факультети қошидаги умумий амалиёт шифокорларини тайёрлаш кафедраси катта ўқитувчиси:**

− «Саломатлик-3» лойиҳаси доирасида ташкил этилган мазкур ўқув курсида оилавий поликлиникалардаги 150 нафар врач 10 ой мобайнида назарий ва амалий билимлар олиб, умумий амалиёт шифокори мақомига эга бўлмоқда. Машғулотларда асосан вазирликнинг 100-, 137-, 161-буйруқлари мазмун-моҳияти бўйича ҳам чуқур маълумотлар бердик. Тингловчилар икки ҳафта давомида ўқув марказида назарий билимларни олган бўлсалар, икки ҳафта давомида эса ўзлари фаолият олиб бораётган поликлиникаларда амалиёт ўтказдилар. Бу албатта, назария ва амалиётнинг узвийлигини таъминлади. Тингловчиларнинг ўқишлари ва жойида амалиёт ўтказиши учун барча шароитлар мавжуд. Кафедрамиз Андижон Давлат тиббиёт институти клиникасида жойлашганлиги сабабли УАШлари мазкур клиника бўлимларида бўлиб, беморлар билан мулоқот, шунингдек, тўғри ташҳис қўйиш, муолажа усуллари тўғрисида кўплаб маълумотларга эга бўлдилар. Бундан ташқари, улар бугунги кунда аҳоли орасида оммавий тус олган касалликларнинг олдини олишга оид лойиҳалар устида ишлашди. Имтиҳонлар олдидан улар ўз лойиҳаларини ҳимоя қилдилар. Тингловчилар билимларни пухта эгаллаш, амалиётда тажрибаларини ошириш мақсадида клиник назорат кундалигини олиб боришди. Унда беморни тинглай олиш, тўғри ташҳис қўйиш ва муолажа жараёнига эътибор қаратишлари зарур. Лекин айрим шифокорларимиз беморга ташҳис қўйиш ёки даволашда хатоликларга йўл қўйишлари мумкин. Олиб бораётган ушбу ўқув-семинарларимиз уларни кўпроқ изланишга, ўз устида ишлашга ундайди. Демак, шифокор беморга қўйган ташҳиси бўйича иккиланган ҳолда услубий қўлланмалар, интернетдаги барча тиббиёт янгиликларидан бохабар бўлишга ҳаракат қилади. Шу жараёнда йўл қўйган хатосини англаб етади ва назорат кундалик дафтарига хатосини ёзиб қўяди. Бу албатта, ҳар бир тиббиёт ходимининг масъулиятини ошириш билан бирга, тиббиёт янгиликларидан хабардор бўлишларини тақозо этади. Тез кунларда тингловчилар учун синовли дақиқалар бошланади. Катта иштиёқ билан ўқиган умумий амалиёт шифокорларимиз ўз фаолиятларини инсон саломатлиги ва унинг манфаатларига қаратган ҳолда 10 ой мобайнида олган билимлари орқали профилактик тиббиётни кучайтиришда ўз ҳиссаларини қўшишларига ишончим комил.

**Фотима ИСОҚОВА, Фарғона шаҳридаги 6-оилавий поликлиника умумий амалиёт шифокори:**

− 20 йил давомида врач-терапевт вазифасида ишлаб келдим. Юртимиз тиббиёти жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлиб келмоқда. Айниқса, республикамиз соғлиқни сақлаш тизимида босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳот жараёнлари фақат инсон саломатлиги ва унинг турмуш фаровонлигига қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Жумладан, Президентимизнинг бирламчи тизим фаолиятига қаратаётган эътибори боис, бу йўналишдаги ишлар самарали кечмоқда. Мазкур тизимни янада шакллантириш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Саломатлик-1, 2, 3» лойиҳалари томонидан олиб борилаётган ишлар ижобий натижа бераётганлиги ҳеч биримизга сир эмас. «Саломатлик-3» лойиҳаси доирасидаги 10 ойлик ўқув курсига тавсия этилганимдан мамнунман. Кафедрадаги тажрибали ўқитувчиларимиздан Гулчеҳра Назарова, Яйра Усмонова, Марҳабо Бойқўзиева ва Абдужаббор Худойбердиевларнинг олиб борган қизиқарли машғулотлари, интерактив ўйинлар, муляжлар асосида ўтказган машғулотлари касбимизга бўлган иштиёқимизни янада оширди. Ўқиш мобайнида «Аҳоли орасида репродуктив саломатлик: Ўзбекистон ва халқаро миқёсда» мавзусида лойиҳа иши олган эдим. Унда асосий мақсад, Президентимизнинг 1096- ва 1144-сонли қарорларига қаратилган бўлиб, фертиль ёшдаги аёллар ўртасида тарғибот ва тушунтириш ишларини олиб бориш билан бирга, исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш мақсадида уларни контрацептив воситалар билан қамраб олишга ҳаракат қилдим. Шунингдек, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида ёш оналарга болаларни кўкрак сути билан боқишнинг афзалликлари ҳамда мавсумий касалликлардан фарзандларини асраш бўйича кераkли тавсия ва маслаҳатлар бериб келмоқдаман. Изланишларим натижаси шуни кўрсатдики, лойиҳа ишим ўқитувчиларим томонидан аъло баҳоланди. Аввало, 10 ой мобайнида чуқур билимларга эга бўлиб, умумий амалиёт шифокори мақомига эришганлигимиз, бизнинг оилалар билан мунтазам ишлашга, қолаверса, кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда фаолият юритишга ундаши табиий. Биз шифокорлар меҳнатини қўллаб-қувватлаб, ишлашимиз учун замонавий шароитларни яратиб бераётган давлатимиз, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Саломатлик-3» лойиҳаси жамоасига миннатдорлик билдириб қоламиз.



**Маҳмуджон МАҚСУДОВ, Наманган шаҳридаги 6-оилавий поликлиника умумий амалиёт шифокори:**

− Вақтнинг шиддат билан ўтаётганлиги тиббиёт соҳаси янада юксалиб бораётганлигидан дарак бериб турибди. Бугунги кунда республикамиз миқёсидаги етакчи клиникаларидан тортиб, чекка ҳудудларидаги қишлоқ врачлик пунктларида бўлганимизда уларнинг замон талаблари даражасида қад кўтарганлиги, янги технологиялар билан жиҳозланганлиги, малакали кадрлар билан таъминланганлиги, бу албатта, юртимиз тиббиётининг фахридир. Таъкидламоқчиманки, мустақиллигимиз шарофати билан тиббиётнинг ҳар бир йўналишига

**(Давоми 7-бетда).**




# СИНОВЛИ ДАҚИҚАЛАР ЯҚИН

(Давоми. Боши 6-бетда).

катта эътибор қаратилиб, фаолиятлар изчиллик билан йўлга қўйилди. Жумладан, бирламчи тиббий санитария соҳасидаги ишларга назар ташлайдиган бўлсак, мутахассис фаолияти аҳоли билан чуқур ишлашни тақозо этмоқда. Бинобарин, бирламчи тизимдаги соҳа мутахассислари малакасини ошириш, тажрибасини бойитиш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда «Саломатлик-3» лойиҳаси томонидан ташкил этилган 10 ойлик ўқув курсининг мутахассис, қолаверса, аҳоли учун нечоғлик муҳим аҳамиятга эга



эканлигини ўқув жараёнида яна бир бор англаб етдим. Ўқиш билан бир қаторда иш жойларидаги фаолиятларимиз билим ва тажрибамизни янада бойитиб, ҳудудларимизда касалликларнинг олдини олиш, тўғри ташхис қўйиш ва даво муолажаларини ўз вақтида олиб боришимиз муҳимлигини кўрсатди. Дарс машғулотлари тиббиётнинг барча йўналишларини қамраб олган. Шунингдек, «Саломатлик-3» лойиҳаси томонидан тақдим этилган услубий қўлланмалар, тарқатма материаллар, DVD дисклар ва барча зарурий техника воситалари билимларимизни янада мустаҳкамлашга катта замин яратди. Шу куннинг долзарб мавзуси бўлган «Соғлом турмуш тарзи: оилада тиббий маданиятни ошириш»га бағишланган лойиҳа ишимни муваффақиятли топширдим. Ушбу изланишларим тиббиётнинг қайсидир бир йўналишларига бўлган диққатимни янада оширди. Бунинг баробарида, аҳоли билан чуқур ишлаб, ҳар бир оила аъзолари билан алоҳида суҳбатлар олиб бордим. Айниқса, оилада санитария-гигиена қоидаларига риоя қилиш, тўғри овқатланиш, ўз вақтида чуқурлаштирилган тиббий кўриклардан ўтиш бўйича тушунтириш ишларини олиб бордим.

Бундан ташқари, 10 ой давомида олган билимларимни сарҳисоб қилиш учун тест синовлари ва оғзаки имтиҳонларга пухта тайёргарлик кўрдим. Келгусидаги фаолиятларимда лойиҳа дастури бўйича олган билимларимни бирламчи тизим фаолиятига қаратиб, халқимиз саломатлигини муҳофаза қилишда ўз ҳиссамни қўшаман.

**Гулчеҳра АБДУХАЛИЛОВА,**
**Фарғона шаҳар 3-оилавий,**
**Зубайда РАҲИМОВА,**
**Қўқон шаҳар 5-оилавий**
**поликлиника умумий**
**амалиёт шифокорлари:**



– 10 ой мобайнида олган билимларимиз тиббиётнинг барча йўналишларига чуқур қаратилган бўлиб, дарс машғулотлари тажрибали устозларимиз томонидан олиб борилди. Жаҳон стандартларига мос бўлган ўқув жараёнлари натижасида олган назарий ва амалий билимларимизни ўзимиз фаолият юритаётган иш жойларимизда қўллаганлигимиз тажриба кўламларимиз ошишида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ўқиш жараёнида «Болалар орасида эмлаш ишларини олиб бориш» мавзусида лойиҳа иши олган эдим. Қабулимга келган оналарга эмлашнинг аҳамияти ҳақида муҳим тушунчалар тўғрисида буклетлар тарқатиб, керакли тавсия ва маслаҳатларимни бердим, унинг натижасидаги изланишларим зое кетмади. Лойиҳа ишим устозларим томонидан аъло баҳоланди, – **дейди Гулчеҳра Абдухалилова.** – Ўқув маркази биносида жойлашган кутубхонада тиббиётнинг ҳар бир йўналиши бўйича ўқув қўлланмаларининг мавжудлиги тиббий билимларимизни янада оширди.

Синовли дақиқалар яқинлашгани сари бизни ҳаяжон босмоқда. Чунки, 10 ой мобайнида олган назарий ва амалий билимларимизни сарҳисоб қилиб, фаолиятга ёруғ юз билан қайтган ҳолда ўқишимиз учун барча шароит ва имкониятларни яратиб, ўз билимларини аямаган устозларимиз ишончини оқлашга ҳаракат қиламиз.

**Зиёджон НИЁЗОВ,**
**Андижон шаҳар 4-оилавий**
**поликлиника умумий**
**амалиёт шифокори:**

– Умумий амалиёт шифокори бўлишнинг афзаллик томонлари шундаки, тиббиётнинг барча йўналишлари бўйича чуқур билимга эга бўлиш, шу билан бирга нафақат оиладаги бемор, балки бутун оила аъзоларининг саломатлиги учун масъулмиз.

«Саломатлик-3» лойиҳаси доирасидаги 10 ойлик ўқув курсида билим ва тажрибаларимни бойитдим. Айниқса, дарс машғулотларида тиббиётнинг ҳар бир йўналиши кенг қамраб олинганлиги касалликларнинг олдини олиш ва унинг сабабларини чуқурроқ ўрганиш имкониятини берди. Ўқишимиз учун кафедрада барча шароитлар мавжуд. Назарий билимларимизни мустаҳкамлашда Андижон Давлат тиббиёт институти клиникасидаги амалиётлар муҳим аҳамият касб этди. Билимларимизни ошириш баробарида танлаб олинган лойиҳаларимиз ҳам бугуннинг долзарб мавзуси бўлиб, аҳоли орасида кенг тарғиб этилди. «Ҳомиладор аёлларда антинатал парвариш» мавзусидаги лойиҳам бўйича ҳудудимда изланишлар олиб бордим. Оила аъзолари ва ҳомиладор аёлга бу тўғрида муҳим маслаҳатлар бердим. Ўқишни тугатсамда ушбу лойиҳамни янада давом эттиришим зарур деб биламан. Яқин кунларда тест синовлари ва оғзаки имтиҳонларни топширамиз. Албатта, олган билимларимизни келгусидаги фаолиятларимизда қўллаб, тиббиётнинг кундалик янгиликларидан бохабар бўлиб боришга ҳаракат қиламан.

«Саломатлик-3» лойиҳаси томонидан умумий амалиёт шифокорлари учун чоп этилган ўқув адабиётлари умумий амалиёт шифокори тактикасини қай даражада олиб бориш ва нималарга эътибор қаратиш кераклигини кўрсатиб берган. Бундан ташқари, билимларни чуқур эгаллаш мақсадида лойиҳа томонидан берилган тарқатма материаллар ҳамда муляжларнинг мавжудлиги амалий фаолиятларимизни янада бойитишда қўл келди.

Имтиҳонларни топшириш арафасида эканмиз, ўқув курсидаги билимларимизни жамлаган ҳолда синовлардан ўтиб, бор билим ва касбий маҳоратимизни ишга солган ҳолда бирламчи тизим фаолиятини янада мустаҳкамлашда ўз ҳиссамизни қўшиш шифокорлик бурчимиз деб биламан.

## *В помощь врачу общей практики*

# ОСТЕОАРТРОЗ

**Остеоартроз – самая распространенная причина нарушения двигательной активности, приводящая к нетрудоспособности и инвалидности.**

В прошлом он рассматривался как «износ» хряща, кости, связок синовиального сочленения, в настоящее время – как активное нарушение метаболического процесса с вовлечением всего сустава, включая хрящи, связки, кости, синовиальную оболочку, капсулы и мышцы невоспалительного происхождения. Чаще встречается в пожилом возрасте. Главный повод обращения за медицинской помощью при развитии остеоартроза – боль. Её выраженность и развитие инвалидности сильно влияют на психологическое состояние больного, вызывая беспокойство, депрессию.

*Факторы риска:* увеличение случаев остеоартроза с возрастом (не распространено у лиц моложе 45 лет); чаще встречается у женщин; наследственная предрасположенность; ожирение; ненормальная механическая нагрузка на сустав; постменискоэктомия; определенного рода профессии (работники сельского хозяйства).

**Признаки и симптомы**

Боль в суставе, возможна скованность. *При осмотре*: поражение опорных суставов (тазобедренного, коленного суставов и суставов позвоночника и кисти), тугоподвижность, увеличение в размере, выпот, крепитация, слабость мышц, деформация.

**Лабораторно-инструментальные исследования**

Рентген – сужение суставной щели; кисты и остеосклероз в субхондральной кости, остеофиты. ОАК, СОЭ, С-реактивный белок в норме.

**Тактика ведения**

Необходимо исключить другие причины болей, напр., сепсис, бурситы, подагра, артриты, фибромиалгия. Остеоартроз может оказаться сопутствующим симптомом. *Цель лечения*: обучение пациента, уменьшение боли, поддержание двигательной функции, предупреждение прогрессирования болезни.

● *Рекомендации, советы* и направление к физиотерапевту, ЛФК для выбора соответствующих упражнений по сгибанию и разгибанию, к ортопеду для подбора стелек и определения показаний на протезирование суставов/а.

● *Уменьшение нагрузки на сустав:* снижение веса может уменьшить симптомы и прогрессирование остеоартроза колена. Использование трости при ходьбе (рукой, противоположной пораженному суставу/тазобедренному суставу), мягких стелек, удобной обуви.

● *Упражнения, укрепляющие мышечную силу:* уменьшают боль и нетрудоспособность, напр., прогулки пешком (при остеоартрозе колена), плавание (при остеоартрозе поясницы, тазобедренного сустава) и езда на велосипеде (при остеоартрозе колена). Консультация физиотерапевта для назначения упражнений, помогающих сохранить подвижность.

● *Контроль боли:* регулярный прием парацетамола эффективен у многих пациентов. Длительное использование НПВС считается необоснованным, так как не доказана их эффективность по сравнению с простыми анальгетиками. Исключение – прием НПВС в период обострения. Для уменьшения боли – наружный крем капсаицин. Вначале вызывает чувство жжения, но затем оно исчезает. Низкие дозы антидепрессантов, (напр., амитриптилина) помогают при нарушении сна, вызванного болями в суставах.

● *Дренаж выпота и внутрисуставные инъекции стероидов:* оправдано при обострении. Испытания по применению внутрисуставных инъекций препаратов гиалуроновой кислоты продолжаются.

● *Психологические факторы:* выраженно влияют на пациента с остеоартрозом. Очень важно объяснить им течение болезни, методы лечения и прогноз. Следует своевременно выявлять и лечить депрессию и тревожное состояние.

● *Направление к специалисту:* к ортопеду при сомнении в диагнозе; срочное направление при подозрении на септическое поражение сустава. А также для оценки функции сустава и решения вопроса о протезировании.

**Л. ХАКИМОВА,**
**Д. МАВЛЯНОВА.**

**Лойиҳа материалларини Ибодат СОАТОВА тайёрлади.**
**Муаллиф олган суратлар.**

*Кутлов!*

# Оқ йўл сизга, бахту омад, эй нажоткор лейтенантлар!

*(Тошкент тиббиёт академиясининг ҳарбий-тиббий факультетини илк бор тугатаётганларга)*

Кутлуғ бўлсин шодиёна, ёш шифокор-лейтенантлар!
Янги ҳарбий унвон, нишон, эй фидокор лейтенантлар!
Байрамона либосингиз соз, бетакрор лейтанантлар!
Алпомишдай қадди расо, зап сервиқор лейтенантлар!

Сизни кўрган одам борки, ҳавас қилар сидқидилдан,
Қизлар эса ошиқ бўлиб, азбаройи қолар тилдан.
Сув ичгансиз қайси қайнар булоқ, манзил, улуғ элдан,
Каломингиз дилга малҳам, соф, беғубор лейтенантлар!

Билсак, сизга берган олий ҳарбий-тиббий академия,
Одамийлик соҳасидан юксак билим, одоб, тарбия.
Энди яна куч-қудратга тўлар бизнинг миллий армия,
Сафлар зичдир, мустаҳкамдир, зеро сиз бор, лейтенантлар!

Ўзбекистон тарихида сиз биринчи «қалдирғочсиз»,
Истиқлолнинг истиқболин куйлагувчи сандулочсиз.
Миллатимиз ор-номуси, ҳам таянч сиз, ҳам қувонч сиз,
Шунга монанд парвоз қилинг дадил, шунқор лейтенантлар!

Мақсадингиз – юрт оромин сақламоқлик кўзимиздай,
Она сутин, халқ ишончин оқламоқлик ош, нон, туздай.
Элимизни озод, обод, шод қилмоқлик кўнглимиздай,
Бу борада бўлинг мудом огоҳ, хушёр лейтенантлар!

Фурсат келар, аста-секин ошар унвон, нишонингиз,
Умр ўтар туш мисоли, қолар лек дўст, ёронингиз.
Ҳамкор бўлсин бир умрга эътиқоду имонингиз,
Оқ йўл сизга, бахту омад, эй нажоткор лейтенантлар!

Келажакда сиз полковник, сиз генерал ҳам қўмондон,
Ҳарбий-тиббий малакангиз ошгусидир юз минг чандон.
Эзгу ният тилар сизга Искандарий Рафиқ Раҳмон,
Эй, қадрдон ҳамкасбларим, эй мададкор лейтенантлар!

**Искандар РАҲМОН,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Куролли Кучлар фахрийси.**

*Конференция*

# ДЛЯ ЗДОРОВЬЯ НАСЕЛЕНИЯ

**В Бухаре состоялась республиканская научно-практическая конференция, посвященная актуальным вопросам фтизиатрии и пульмонологии.**

На мероприятии, организованном Министерством здравоохранения Республики Узбекистан, Республиканским специализированным научно-практическим медицинским центром фтизиатрии и пульмонологии и другими соответствующими организациями, особо отмечалось, что широкомасштабная работа, осуществляемая под руководством Президента нашей страны по охране здоровья населения, борьбе с различными инфекционными заболеваниями, в том числе с туберкулезом, дает весомые результаты.

Сформирована система по профилактике, диагностике и лечению туберкулеза. Взаимное сотрудничество первичных медицинских учреждений, диспансеров и больниц, научно-исследовательских учреждений способствует дальнейшему расширению масштаба реформ, направленных на охрану здоровья населения.

Закон Республики Узбекистан «О защите населения от туберкулеза» от 11 мая 2001 года является важным руководством к действию в данном направлении.

– За последние десять лет достигнуты эффективные результаты по борьбе с заболеванием, связанным с палочками Коха, – говорит директор Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра фтизиатрии и пульмонологии профессор Мирзаголиб Тиллашайхов. – Заболеваемость туберкулезом снижена в три раза. По позитивным показателям в данном направлении Узбекистан занимает высокое место среди стран СНГ. Усиление профилактической работы, в том числе своевременное осуществление ранней вакцинации в целях укрепления иммунитета детей, укрепление материально-технической базы сферы являются основным фактором достигаемых успехов.

Референс-лаборатория Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра фтизиатрии и пульмонологии входит в десятку лучших лабораторий мира, награжденных международным сертификатом за качество. Региональные больницы тоже обеспечены современными аппаратами по выявлению и диагностике заболевания. В 5 городах страны, в том числе в Бухаре, функционирует межрегиональная бактериологическая лаборатория по оперативной диагностике устойчивых форм туберкулезных микробактерий. За последние три года свою квалификацию повысили свыше 700 врачей лаборатории. Это способствует внедрению в точной диагностике современных методов и эффективному лечению заболеваний.

На мероприятии были заслушаны доклады, посвященные работе, осуществляемой по профилактике, своевременному выявлению и лечению туберкулеза, проектам, направленным на повышение медицинской культуры населения, эпидемиологии туберкулеза в мире, новшествам науки, актуальным вопросам в сферах фтизиатрии и пульмонологии.

**Э. ЯДГАРОВ.**

*Китоб жавонингизга*

# ЗАРУРИЙ ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАСИ

**Тиббиёт, тиббий санитария ҳамда бунга яқин бўлган соҳа биология йўналиши бўйича етук ва малакали кадрлар тайёрлашда замонавий дарслик, ўқув қўлланмаларининг ўрни беқиёсдир. Бундай ўқув адабиётлари кўп йиллик илмий педагогик тажрибага эга профессор-ўқитувчилар томонидан яратилади. Профессор Сайдулла Дадаев ва доцент Гулнора Абдураҳмонова ҳаммуаллифлигида яратилган “Умумий паразитология“ ўқув қўлланмаси ана шундай изланишлар маҳсулидир.**

Республикамиз олий ўқув юртларининг биология йўналиши магистратура босқичи талабаларига ихтисослик фани сифатида “Умумий паразитология“ фани киритилиб, бу фан бўйича маърузалар ўқилиб, амалий машғулотлар ҳам ўтказилмоқда. Мазкур фаннинг ўқитилиши ҳамда зарурий дарслик, ўқув-услубий қўлланмаларнинг яратилиши, олий таълим бўйича ишлаб чиқилган давлат таълим стандартларининг амалиётга татбиқ этилиши ва икки босқичли таълим тизимига ўтишнинг амалга оширилиши билан бевосита боғлиқдир.

Ўқув қўлланма 2013 йилда “Фан ва технология” нашриёти томонидан чоп этилган бўлиб, 384 бетдан иборат. Унда кириш қисмидан ташқари, паразитология фанининг мақсад ва вазифалари, биологиянинг оид бошқа фанлар билан унинг боғлиқлиги, фаннинг дунё миқёсида, МДҲда ва шу жумладан, Ўзбекистонда ўрганилиши ва ривожланиш тарихи ўзининг муфассал ифодасини топган. Одамзот ҳаётига паразитнинг таъсири қандай? Паразитлар тузилишидаги ўзига хосликларни қандай илғаш мумкин? Одам ва маҳсулдор ҳайвонларга келтирадиган зарарини бартараф этиш мумкинми? Кетма-кет туғиладиган бундай саволларга қўлланмадан жавоб топасиз. Энг муҳим патоген паразитлар тузилиши, биологик хусусиятлари, тарқалиши, кўзғатадиган касалликлари ва уларнинг олдини олиш чоралари тўғрисидаги кенг қамровли маълумотлар қўлланма мазмунини янада оширган. Шунингдек, ўқув адабиётида талабалар ва бўлғуси биологларга паразитларни йиғиш ва уларни аниқлаш усуллари юзасидан методик тавсия ўрин олган. Қўлланмада одам ва маҳсулдор ҳайвонларга зарар келтирувчи паразитлар ривожланишига оид 120 дан ортиқ расм берилгани ёш мутахассислар тасаввурини анча кенгайтиради. Китобда маҳаллий материалларга кенг ўрин берилган.

“Умумий паразитология” фанидан олий ўқув юртлари биология йўналиши магистратура босқичи талабалари учун ўзбек ва рус тилларида чоп этилган ўқув қўлланма ва дарсликлар жуда камёблигини ҳисобга оладиган бўлсак, ушбу ўқув адабиётининг нашр этилиши айни муддаодир.

**Искандар МИРАБДУЛЛАЕВ,**
**Қодир ДАВРОНОВ,**
**Ўзбекистон Миллий университети биология-тупроқшунослик факультети профессорлари, биология фанлари докторлари.**

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармаси тизимидаги шифокорлик лавозимларига ишга қабул қилишни**

**ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

*Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармаси Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида жойлашган жазони ижро этиш муассасаларида мавжуд бўлган бўш шифокорлик лавозимларига ҳарбий хизматни ўтаган ёки захирадаги офицер унвонига эга бўлган, ёши 35 дан ошмаган, жисмонан ва руҳан соғлом, ички ишлар идоралари сафида хизмат қилишга лаёқатли, олий маълумотли, шифокорлик дипломига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ишга таклиф қилади.*

*Ишга қабул қилиш ички ишлар идоралари хизмати талаблари асосида амалга оширилади.*

**Манзил: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Фарғона йўли кўчаси, 25-уй. Телефон: 291-59-02.**

**Газета муассиси: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги**

Бош муҳаррир Асилбек ХУДАЯРОВ
Нашр учун масъул
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

**Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 30-уй, 2-қават. Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.**

**Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.**

**Адади 7896 нусха. Буюртма Г-659.**

**Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O`zbekistonda sog`liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.**
**Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «@» шартли белгиси қўйилади.**

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚЎШОҚОВ.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.

ISSN 2010-6149 «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана». Сайтимиз: www.uzssgzt.uz Топширилди – 19.30. 1 2 3 4 5